

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАНИЯЗОВА МУКАДДАС ЭГАМБЕРДИЕВНА

**ҚАТОР 3d-МЕТАЛЛАР ФОРМИАТЛАРИНИНГ АРАЛАШ АМИДЛИ
КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on chemical sciences**

Жуманиязова Мукадас Эгамбердиевна

Қатор 3d-металлар формиатларининг аралаш амидли координацион бирикмалари..... 3

Жуманиязова Мукадас Эгамбердиевна

Смешанноамидные координационные соединения формиатов ряда 3d-металлов 21

Jumaniyazova Mukaddas

Mixed amide coordination compounds of formates of a number of 3d-metals 39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУМАНИЯЗОВА МУКАДДАС ЭГАМБЕРДИЕВНА

**ҚАТОР 3d-МЕТАЛЛАР ФОРМИАТЛАРИНИНГ АРАЛАШ АМИДЛИ
КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/К170 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Азизов Тохир Азизович кимё фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рафиков Адхам Салимович кимё фанлари доктори, профессор Кадирова Зухра Чингизовна кимё фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, (998 71) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№134 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)246-07-88; 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, 246-02-24).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил «17» 12 даги 24-рақамли реестр баённомаси).

**З. А. Сманова**
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор
Д. А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.
Ш. А. Кадирова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда микроэлементларнинг кислород, олтингугурт, азот тутувчи органик лигандлар билан комплекс бирикмаларини олиш ва уларнинг хоссаларини аниқлаш амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда бундай металлокомплекс бирикмалардан қишлоқ хўжалигида стимуляторлар, тиббиётда биологик фаол моддалар, антиоксидантлар сифатида фойдаланиш орқали юқори самарадорликка эришилмоқда.

Жаҳонда юқори самарадорликка эга биологик фаол моддалар ва стимуляторларни синтез қилишнинг шароитларини оптималлаштириш бўйича кўпгина изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада қишлоқ хўжалик ўсимликларининг ҳосилдорлигини оширувчи, физиологик жараёнларни тезлаштирувчи стимуляторлар яратиш бўйича илмий ечимларни асослаш, жумладан 3d-металлар формиатларининг турли амидлар билан комплекс бирикмаларни синтез қилишнинг қулай шароитларини ишлаб чиқиш; уларнинг таркиби ва хоссаларини аниқлаш, марказий атомга лигандларнинг координацияланиш механизми ва бунда ҳосил бўлган кимёвий боғ табиати, ҳамда синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Республикада қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар спектри, қишлоқ хўжалик ерлари катта территориялариинг мавжудлиги ҳамон ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ўстириш стимуляторлари, минерал ўғитлар қўллашни тақозо этади. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да “қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”¹га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада ўз таркибида микроэлементлар тутган, шу билан бирга хавфсиз ва атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган янги биологик актив моддаларни қулай синтезига қаратилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти натижалари маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли “Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сонли “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

қарорлари ва мазкур соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўйилган масалаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор металл карбоксилатларининг органик лигандлар билан комплекс бирикмаларини синтез қилиш, таркиби ва тузилишини, реакцион қобилияти ва биологик активлигини ўрганиш, термик анализи бўйича илмий-тадқиқот ишлари хорижда ва бизнинг республикамизда кўпгина олимлар томонидан амалга оширилган.

Металлоамидли комплекслар кимёсига Hay B.P, Hancock R.D, Clement O., Sandrone G., Dixon D.A., Zhu Z.-Y., Zhang D.-C., Lin Z.-J., Patrovsky V. каби хорижий олимларнинг илмий изланишлари бағишланган. Россиялик олимлар Савинкина Е.В., Голубев Д.В., Замилацков И.А., Алиқберова Л.Ю., Головнев Н.Н., Лешок А.А., Трифонов А.А., Басалов И.В. ва бошқалар томонидан амидларнинг кам-ер элементлари, ҳамда баъзи d-металллар билан комплексларининг хоссалари ва тузилиши ўрганилган.

Республикамизда органик лигандлар билан комплекс бирикмалар асосидаги биологик фаол моддаларнинг синтези ва хоссаларини ўрганиш бўйича акад. Парпиев Н.А. илмий мактаби, Шарипов Х.Т., Умаров Б.Б., Шобилолов А.А., Ходжаев О.Ф., Хақимов Х.Х. ва бошқа олимлар илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Шу билан бирга мазкур тадқиқот иши бошланишига қадар, адабиёт манбалари таҳлилининг кўрсатишича, турли металл карбоксилатлари амидли комплексларинининг механокимёвий синтези тўғрисида маълумотлар бўлган, аммо d-металл формиаларининг амидли комплексларини олиш ва тузилишини ўрганиш бўйича маълумотлар кам бўлиб, уларнинг аралаш амидли координацион бирикмаларини олиш ва ўрганиш тўғрисида маълумотлар бўлмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишларини режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг № АМ-ФЗ-2017102347 “Гидролизланган фиброин асосида нанометалл ушлаган бактерицид материаллар олиш усулини ўрганиш ва ўзлаштириш” (2017-2019 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади икки валентли кобальт, никель ва мис формиатларининг баъзи аралаш амидли координацион бирикмаларини синтез қилиш, уларнинг тузилиши ва хоссаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

икки валентли кобальт, никель ва мис формиатларининг аралаш лигандли комплекс бирикмаларини эритмада синтез қилиш;

синтез қилинган бирикмалар таркиби, тузилиши ва хоссаларини замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил қилиш;

кобальт (II), никель (II), мис (II) формиатлари аралаш амидли координацион бирикмаларининг геометрик, энергетик параметрларини замонавий квант-кимёвий усуллар ёрдамида ҳисоблаш;

синтез қилинган координацион бирикмалар биологик активлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти кобальт (II), никель (II) ва мис (II) формиатларининг формаид, ацетаид, карбаид, тиокарбаид ва никотинаид билан аралаш амидли координацион бирикмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети янги координацион бирикмаларнинг индивидуаллиги, таркиби, тузилиши, физик-кимёвий ва биологик хоссалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида спектрофотометрия, ИҚ спектроскопия, рентгенфазавий анализ, хроматомасс-спектрометрия, дифференциал-термик анализ, диффуз қайтарилш электрон спектроскопияси, рентгенструктуравий анализ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кобальт ва никель формиатларининг никотинаид билан бир хил амидли координацион бирикмалари синтез қилинган ва тузилиши рентгенструктуравий таҳлил методи билан исботланган;

илк бор 22 та янги аралаш амидли координацион бирикма синтез қилинган ва тузилиши, термик хоссалари аниқланган;

илк бор ғўзани ўсишини тезлаштирувчи ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи янги полифункционал таъсирли стимулятор яратилган;

квант-кимёвий усуллар ёрдамида лигандлар ва синтез қилинган бирикмаларнинг геометрик ва энергетик параметрлари, атомларда зарядларнинг тақсимоли, геометрияси ҳамда реакцион қобилияти аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кобальт (II), никель (II) ва мис (II) формиатлари аралаш амидли координацион бирикмаларини сувли эритмаларда синтез қилиш шароитлари аниқланган;

олинган иккита координацион бирикма диаквабис(формиато)-бис(придин-3-карбоксамид)-кобальт ва диаквабис(формиато)-бис(придин-3-карбоксамид)-никелларнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига жойлаштирилган;

қишлоқ хўжалиги экинларини ўсишини тезлаштирувчи кам захарли ва самарали бўлган $\text{CuF} \cdot \text{AA} \cdot \text{АНК}$ полифункционал таъсирли стимулятор яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ИҚ- спектроскопия, рентгенфазавий, элемент, дифференциал термик таҳлил, хроматомасс-спектрометрия, монокристал рентген-структура таҳлили, электрон диффуз қайтарилш спектри, биологик таҳлил ва квант-кимёвий ҳисоблашлар каби

замонавий тадқиқот усуллар билан исботланган. Хулосалар тажриба натижалари асосида таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Со (II), Ni (II) ва Cu (II) формиатларининг баъзи амидлар билан аралаш амидли координацион бирикмалари синтезининг оптимал шароитлари аниқланиши ва олинган комплекс бирикмалар таркиби, тузилиши ва хоссалари замонавий физик-кимёвий усуллар асосида исботланишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Со (II), Ni (II) ва Cu (II) формиатлари аралаш амидли координацион бирикмаларини эритмада олиш усули ишлаб чиқилди ҳамда улар асосида ўсимликларни ўстирувчи янги стимулятор яратилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Икки валентли кобальт, никель ва мис формиатларининг янги аралаш амидли координацион бирикмаларининг синтези, физик-кимёвий ва биологик хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кобальт ва никель формиатларининг никотинамид билан координацион бирикмаларининг тузилишининг рентгенструктуравий таҳлил усулида аниқланган кристаллографик параметрлари Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Crystallographic Data Centre, <https://www.ccdc.cam.ac.uk/mystructures>, CCDC № 2081143 ва № 2092828). Натижада ўхшаш янги кимёвий бирикмаларни синтез қилиш ва тузилишини тавсифлаш имконини берган;

CuF·AA·АНК стимулятори Хоразм вилояти фермер хўжаликлари майдонларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 30 июндаги № 02/025-2763 маълумотномаси). Натижада CuF·AA·АНК стимуляторини пахта экишда қўллаш пахта униб чиқишини 2-3 кунга, барча фазаларда назоратга нисбатан пахтанинг ривожланиши тезлашишини, ҳосил шаклланиши ва етилиши 3-5 кунга эрта бўлиши ва ҳосилдорликни 5 %га ошириш имконини берган;

синтез қилинган аралаш амидли координацион бирикмалар ФА-Ф7-010 “Нанотузилишли фозажит типдаги цеолитлар панжаралари сиртида молекуляр кластерларнинг энергетикаси, тузилиши ва жойлашиши” фундаментал лойиҳасида координацион бирикмалар сорбция механизмини аниқлашда қўлланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 17 июндаги № 4/1255-1780 маълумотномаси). Натижада турли хил тузилишли ва фаол марказли координацион бирикмалар ион-молекуляр хусусиятларини ўрганиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори

(PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 1 та хорижий ва 3 та Республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объектлари ва предмети ёритилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий ва амалий янгилиги баён қилинган, олинган натижалар ишончлилиги асосланган, диссертация натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этишнинг истиқболлари тўғрисида хулоса чиқарилган ва чоп қилинган илмий ишлар ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Металл тузларининг амидлар билан координацион бирикмалари синтези ва тадқиқоти (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида турли металлларнинг амидли ва тиоамидли комплексларини синтез қилиш ва тузилиши аниқлаш бўйича қилинган илмий ишларнинг шарҳи келтирилган. Бирикмаларнинг таркиби ва тузилиши, комплекс бирикмалар тузилишининг лигандлар ва комплекс ҳосил қилувчи табиатига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятлари тўғрисида мавжуд бўлган маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Икки валентли кобальт, никель ва мис формиатларининг аралаш амидли координацион бирикмаларининг олиниши ва тадқиқот методлари (экспериментал қисм)”** деб номланган иккинчи бобида Co (II), Ni (II) ва Cu (II) формиатларининг баъзи амидлар: ацетамид, карбамид, формаид, тиокарбамид ва никотинамид билан аралаш амидли координацион бирикмалари, ҳамда икки валентли кобальт ва никель формиатларининг никотинамид билан бир хил амидли координацион бирикмаларини синтез қилиш ва таркиби, тузилишини тадқиқ қилиш методлари ёритилган.


Синтез қилинган бирикмалардаги металлларнинг миқдорлари спектрофотометрик усулда Shimadzu фирмасининг UV-1800 спектрофотометрида аниқланган. Углерод, водород, азот ва олтингугурт миқдорлари эса EuroEA3000 CHNS-O Analyzer (Италия) асбобида аниқланган.

Моддаларнинг хроматомасс-спектрлари 6420 Triple Quad LC/MS (Agilent Technologies, USA) асбоби ёрдамида олинган. Рентгенограммалар Cu-антикатодли ДРОН-3,0 қурилмасида олинган. ИҚ спектрлар Shimadzu фирмасининг IRTraser – 100 спектрометри ҳамда Perkin-Elmer фирмасининг

“FTIR system 2000” спектрометрида туширилган. Синтез қилинган бирикмаларини термогравиметрик таҳлили Паулик-Паулик-Эрдей системаси дериватографида амалга оширилган. Электрон диффуз қайтарилиш спектрлари 100 – 900 нм оралиғида Shimadzu фирмасининг UV-2600 спектрофотометрида ёзиб олинди. Лигандлар ҳамда аралаш амидли координацион бирикмаларнинг дастлабки моделлари Avogadro ва GaussView программалари ёрдамида тузилди.

Кобальт ва никель формиатларининг никотинамид билан координацион бирикмаларининг рентгеноструктуравий тадқиқоти CuK α -нурланиш қўлланилган ҳолда CCD Xcalibur Ruby (Oxford Diffraction) дифрактометрида амалга оширилди.

Кобальт (II) ва никель (II) формиатларининг никотинамидли координацион бирикмаларининг монокристаллари мос металл формиати сувли эритмасига никотинамид киритилиши орқали олинди. Бунда 1 моль металл формиатига 3 моль никотинамид тўғри келган. Никотинамид тўлиқ еригандан кейин эритма хона температурасида қолдирилган. Эритма аста секин буғланиб боргани билан бир неча кундан кейин ундан мос координацион бирикманинг кристаллари ажралиб чиқади. Кристаллар эритмадан ажратиб олиниб оз миқдордаги совуқ сувда ювилган.



Янги аралаш амидли координацион бирикмалар синтези қуйидаги схема бўйича амалга оширилган:



Диссертациянинг “**Физик-кимёвий тадқиқотларнинг натижалари**” деб номланган 3 бобида синтез қилинган бирикмалар тузилишини замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида тадқиқ қилиш натижалари ва уларнинг тузилишини квант-кимёвий ҳисоблашлар муҳокама қилинган.

Кобальт ва никель формиатларининг никотинамид билан координацион бирикмалари тузилишининг кристаллографик характеристикалари 1-жадвалда келтирилган. [Co(HCO₂)₂(NC₅H₄CONH₂)₂(H₂O)₂] (I) ва [Ni(HCO₂)₂(NC₅H₄CONH₂)₂(H₂O)₂] (II) бирикмалари (1-расм) бир бирига изоструктуравий бўлиб нейтрал комплекслардан иборат (КС = 6), буларнинг таркибида металл атоми иккита никотинамид молекуласи билан азот


гетероатомлари орқали, иккита сув молекулалари ва иккита монодатат формиат гуруҳлари билан боғланган. Координацион полиэдр қийшайган октаэдрдан иборат бўлиб, унда никотинамид молекулалари азот гетероатомлари транс-ҳолатда жойлашган.

1-Жадвал


Со (II) ва Ni (II) формиатларининг никотинамид билан координацион бирикмалари тузилишининг кристаллографик характеристикалари

Бирикма	I	II
Эмпирик формула	$C_{14}H_{18}CoN_4O_8$	$C_{14}H_{18}NiN_4O_8$
Молекуляр масса	429,25	429,03
Сингония	Триклин	Триклин
Фазовий гуруҳ	P-1 (№ 2)	P-1 (№ 2)
a , Å	7,2857(4)	7,2824(4)
b , Å	7,4540(6)	7,4749(3)
c , Å	8,7274(7)	8,6572(4)
α , град.	110,165(7)	110,747(4)
β , град.	100,586(6)	99,950(4)
γ , град.	96,345(5)	96,858(4)
V , Å ³	429,51(6)	425,64(4)
$\rho_{\text{ввч}}$, Г/см ³	1,66	1,674
Нурланиш, Å	CuK α , 1,54184	CuK α , 1,54184

Комплексадаги никотинамид молекулалари ва формиат гуруҳлари, ҳамда никотинамид молекулалари ва сув молекулалари ўртасида ички комплекс водород боғланишлар амалга ошади.



1-Расм. I ва II бирикмаларининг тузилиши



2-Расм. I ва II бирикмалар кристалл панжараларининг элементар ячейкаси


Комплекслар кристаллда кўп сондаги водород боғланишлар орқали ушланиб туради (2-расм).

Синтез қилинган аралаш амидли координацион бирикмаларнинг индивидуаллигини исботлаш мақсадида рентгенфазавий анализ ўтказилди.


2-Жадвал

Карбамид, никотинамид эркин молекулалари ва уларнинг никель (II) формиат билан аралаш координацион бирикмасининг текисликлараро масофалари ва нисбий интенсивликлари

CO(NH ₂) ₂		NC ₅ H ₄ CONH ₂		Ni(HCO ₂) ₂ ·K·NA·2H ₂ O	
d, Å	I, %	d, Å	I, %	d, Å	I, %
3.96	92	6.45	67	5.35	43
3.00	26	4.78	19	4.23	30
2.80	86	4.19	63	4.12	45
2.50	100	3.97	19	4.04	100
1.980	90	3.61	100	3.95	46
1.827	68	3.38	81	3.86	63
1.665	97	2.66	15	3.80	26
1.258	22	2.24	19	3.62	46
-	-	-	-	3.50	24
-	-	-	-	3.31	34




3-Расм. Рентгенограммлар: а - (NH₂)₂CO, б - (NH₂)₂CS, в - Ni(HCO₂)₂ и г - Ni(HCO₂)₂·K·TK



Ацетамид (5,58 (100)), карбамид (3,98 (100)), тиокарбамид (4,30 (100)), никотинамид (5,92 (100)) эркин молекулалари ва янги аралаш амидли комплексларнинг спектрларидаги текисликлараро масофалари (d, Å) ва чизиқлар нисбий интенсивликларини (I, %) солиштириш буларнинг тузилиши орасида анча фарқ борлигини кўрсатади. Бу ҳолат синтез қилинган координацион бирикмалар тузилишининг индивидуаллиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради (2-жадвал, 3-расм).

Ni(HCO₂)₂·K·FA·2H₂O бирикмасининг рентгенограмма маълумотларини FullProf программасида қайта ишлаш ёрдамида бирикманинг структурасини аниқлашга муваффақ бўлинди. Натижалар шуни кўрсатдики, бирикма координацион сони 6 бўлган нейтрал комплекслардан иборат (4-расм).



4-Расм. Ni(HCO₂)₂·K·FA·2H₂O бирикмасининг структураси ва кристалл панжараси

Комплекс таркибида металл атоми иккита сув молекуласи, иккита формиат гуруҳи, битта карбамид молекуласи ва битта формамид молекуласи билан бириккан. Бундан аралаш амидли координацион бирикмаларнинг тузилиши бир хил амидли бирикмаларники каби бўлади деган хулосага келиш мумкин.


3-Жадвал

Ni(HCO₂)₂·K·FA·2H₂O бирикмасининг кристаллографик параметрлари

Формула	[Ni(C ₄ H ₁₂ N ₃ O ₈)]	Кристалл ўлчами, мм	0.27x0.11x0.16
Молекуляр масса	289	T, °K	293
Сингония	Моноклиник	θ, °	0.63
a, Å	9.4267(9)	Интервал h,k,l	-11 ≤ h ≤ 11, -14 ≤ k ≤ 14, -18 ≤ l ≤ 18
b, Å	12.6331(11)	β	83.543(2)
c, Å	14.2598(15)	V, Å³	1498.80(5)


Ni(HCO₂)₂·K·FA·2H₂O бирикмаси моноклиник сингонияда кристалланади, кристаллдаги комплекслар водород боғланишлар орқали боғланиб турадилар. 3-Жадвалда бирикманинг кристаллографик параметрлари келтирилган.

Синтез қилинган координацион бирикмаларнинг молекуляр массаларини аниқлаш ҳамда молекуляр массаларнинг қийматлари асосида уларнинг таркибини аниқлаштириш мақсадида хроматомасс-спектрометрик таҳлил ўтказилди. Никель формиатнинг тиокарбамид ва карбамид билан комплекс бирикмасининг хроматомасс-спектрида m/z қиймати турлича бўлган бир нечта интенсив пиклар кузатилиб, энг интенсив пиклар 286,8; 241,9; 149,8; 136,3 ва 196,9 қийматларга эга (5-расм). Ушбу қийматлар қуйидаги комплекслар ионларга тўғри келиши мумкин:




32 cm^{-1} ни ташкил этади. Шу вақтнинг ўзида CN боғининг валент тебранишлари частотаси формамид учун ўртача 9 – 43 cm^{-1} га, ацетамид учун ўртача 3 – 45 cm^{-1} ва карбамид учун ўртача 10 – 27 cm^{-1} га ошади. Бундай кузатишлар кўрсатилган амидларнинг марказий атомга карбонил гуруҳи кислород атоми орқали координацияланишини билдиради (4-жадвал).

Никотинамид тутувчи аралаш амидли комплексларнинг ИҚ спектрлари никотинамиднинг комплекс ҳосил қилувчи атомга азот гетероатоми орқали координацияланишини кўрсатади: ароматик пиридин ҳалқасининг тебраниш частоталари ўртача 40 cm^{-1} га камаяди, шунингдек, карбонил гуруҳи валент тебранишлари частоталари ҳам 9 – 39 cm^{-1} га ошади. Тиокарбамиднинг тиокарбонил гуруҳи учун характерли бўлган ютилиш полосаси (730 cm^{-1}) тиокарбамид тутган аралаш амидли координацион бирикмалар ИҚ спектрларида қуйи частоталар соҳасига 9–33 cm^{-1} га силжиган бўлса, CN боғининг валент тебранишлар ютилиш частотаси 4 – 36 cm^{-1} га юқори частоталар соҳасига силжиган бўлади. Ушбу маълумотлар тиокарбамиднинг марказий атомга олтингурут атоми орқали координацияланишини билдиради (6, 7-расмлар).




6-Расм. $\text{Ni}(\text{HCO}_2)_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{K} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ИҚ спектри




7-Расм. $\text{Ni}(\text{HCO}_2)_2 \cdot \text{TK} \cdot \text{NA} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ИҚ спектри

Синтез қилинган бирикмаларнинг ИҚ спектрларида 761 – 843 cm^{-1} (ρ_T) ҳамда 509 – 658 cm^{-1} (ρ_w) частоталар оралиғида координацияланган сув учун хос бўлган сув молекулалари айланма деформацион (ρ_T) ва скелет тебранишлари (ρ_w) ютилиш полосалари кузатилади.

Дериватограммаларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосалар чиқарилган. Термолизнинг биринчи босқичида ўз таркибида сув тутувчи бирикмалар 80 – 250 $^{\circ}\text{C}$ оралиғида дегидратацияга учрайдилар (80 – 150 $^{\circ}\text{C}$ оралиғида ташқи сферадаги ва адсорбцион сув чиқиб кетса, 150 – 220 $^{\circ}\text{C}$ оралиғида ички сферадаги сувнинг ажралиши кузатилади). Термолизнинг иккинчи босқичида (200 – 350 $^{\circ}\text{C}$) координацияланган амидлар ажралиб парчланади, комплексларнинг парчланиши молекула органик қисмининг ёниши билан боради, бу эса қиздириш эгри чизиқларида кучли экзотермик эффект (максимумлар 350 – 450 $^{\circ}\text{C}$ оралиғида кузатилади) билан характерланади. Модда массасининг йўқотилиши 55 – 75 %ни ташкил этади.



8-Расм. $\text{Cu}(\text{HCO}_2)_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{K} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$
дериватограммаси



9-Расм. $\text{Ni}(\text{HCO}_2)_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{TK}$
дериватограммаси

Дегидратация якунининг нисбатан юқори температурасига (150 – 220 °C) караганда сув комплексларнинг ички сферасига киради (5-жадвал).

5-Жадвал

Икки валентли кобальт, никель ва мис формиатларининг баъзи аралаш амидли координацион бирикмаларининг дифференциал-термик таҳлили натижалари

Бирикма	Температуралар оралиғи, °C	ДТА бўйича экстремум, °C	ТГ бўйича масса ўзгариши, %		Жараён
			Эксп.	Быч.	
$\text{Co}(\text{HCO}_2)_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{K} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	130 – 160	150 (↓)*	11,35	11,87	Дегидратация
	160 – 310	260 (↓)	56,62	68,77	Лигандларининг ажралиши ва парчаланиши
	310 – 375	335 (↑)**	-5,59	-5,27	Комплекс органик қисмининг ёниши
	Массанинг камайиши умумий		73,56	75,37	Қолдиқ – CoO
$\text{Ni}(\text{HCO}_2)_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{K} \cdot \text{H}_2\text{O}$	70 – 160	120 (↓)	6,50	6,30	Дегидратация
	160 – 290	245 (↓)	43,33	41,67	Ацетамид ва карбамиднинг ажралиши ва парчаланиши
	290 – 410	310 (↓)	25,5	31,49	Формиат гуруғларининг ажралиши
	410 – 520	430 (↑)	-	-	Комплекс органик қисмининг ёниши
	Массанинг камайиши умумий		75,33	73,87	Қолдиқ – NiO
$\text{Cu}(\text{HCO}_2)_2 \cdot \text{AA} \cdot \text{K} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	70 – 185	150 (↓)	11,54	11,67	Дегидратация
	185 – 310	290 (↓)	62,82	67,74	Лигандларининг ажралиши ва парчаланиши
	320 – 370	340 (↑)	-3,13	-5,17	Комплекс органик қисмининг ёниши
	Массанинг камайиши умумий		71,23	74,24	Қолдиқ – CuO


*(↓) – эндотермик эффект; **(↑) – экзотермик эффект

Синтез қилинган аралаш амидли координацион бирикмаларнинг тузилишини аниқлаш мақсадида уларнинг диффуз қайтарилиш электрон спектрлари (ДҚЭС) ўрганилди. Кобальт, никель ва мис формиатлари баъзи аралаш амидли координацион бирикмаларининг ДҚЭС таҳлил натижалари бирикмаларнинг тузилиши комплекс ҳосил қилувчи металл ва лигандлар табиатига боғлиқ эканлигини кўрсатди (6-жадвал).


Кобальт, никель ва мис формиатларининг аралаш амидли координацион бирикмаларининг ДҚЭС маълумотлари

λ/ν , нм/см ⁻¹	Электрон ўтишлар	Координацион сон	Тузилиши
Ni(HCO₂)₂·FA·AA·2H₂O			
315 / 31746	n-O → d-Ni ²⁺	6	Тетрагонал эгрилашган октаэдр
426 / 23447	³ A _{2g} → ³ T _{1g} (P)		
752 / 13298	³ A _{2g} → ³ T _{1g} (F)		
Ni(HCO₂)₂·AA·TK			
520 / 19231	³ T ₁ → ³ T ₁ (P)	4	Тетраэдр
860 / 11628			
920 / 10870			
Co(HCO₂)₂·AA·K·2H₂O			
327 / 30581	n-O → d-Co ²⁺	6	Октаэдр
526 / 19011	⁴ T _{1g} (F) → ⁴ T _{1g} (P)		
Cu(HCO₂)₂·AA·K·2H₂O			
787 / 12706	$z^2 \rightarrow x^2 - y^2$	6	Эгрилашган октаэдр
540 / 18519	$xz, yz \rightarrow x^2 - y^2$		
673 / 14859			

Никель формиатнинг Ni(HCO₂)₂·AA·TK аралаш амидли бирикмасининг ДҚЭС спектрида (10-расм) ³T₁ → ¹E d – d ўтишига хос бўлган 920 нм (10870 см⁻¹), ҳамда ³T₁ → ³T₁(P) d – d ўтишига хос бўлган 860 нм (11628 см⁻¹), 520 нм (19231 см⁻¹) соҳаларда ютилиш полосалари кузатилади.



10-Расм. Co(HCO₂)₂·AA·K·2H₂O бирикмасининг ДҚЭС




11-Расм. Ni(HCO₂)₂·AA·TK бирикмасининг ДҚЭС

Ушбу ўтишлар никель (II)нинг тетраэдрик комплекслари учун хос бўлиб, Ni(HCO₂)₂·AA·TK бирикмасининг ДҚЭС спектри унинг таркибидаги никель 4 га тенг бўлган координацион сонни намоён қилишини кўрсатади.

Кобальт формиатнинг ацетамид ва карбамид билан аралаш амидли бирикмаси Co(HCO₂)₂·AA·K·2H₂O нинг ДҚЭСида (расм 9) 526 нм ва 327 нм ларда ютилиш полосалари кузатилади. 526 нм (19011 см⁻¹) даги кенг ютилиш полосаси ⁴T_{1g}(F) → ⁴T_{1g}(P) d – d ўтишига ва кобальт (II) октаэдрик полиэдр ҳосил қилган олти координацион сонли ҳолатига тўғри келади. 327 нм (30581


см⁻¹)даги ютилиш полосаси лиганд зарядининг металлга $O \rightarrow Co^{2+}$ ўтказилишига тўғри келади. Биз синтез қилган никель формиат аралаш амидли координацион бирикмаларида никель атоми лигандларга боғлиқ равишда 6 ёки 4 координацион сонларни намоён қилади.

Co (II), Ni (II) ва Cu (II) аралаш амидли координацион бирикмаларни физик-кимёвий тадқиқ қилишдан олинган натижалар асосида комплекслар учун қуйидаги тузилишлар таклиф этилди:



Октаэдрик комплекслар учун
M = Co (II), Ni (II), Cu (II)

ва



Тетраэдрик комплекслар учун
M = Co (II), Ni (II)

Дастлабки лигандлар ва синтез қилинган координацион бирикмаларнинг энергетик ва геометрик параметрларини квант кимёвий ҳисоблашлари ўтказилган.

7-Жадвал

Амид молекулаларидаги электрон зичликнинг квант кимёвий ҳисобланиши

Амид	$\delta_q N$	$\delta_q N^2$ (гетероатом)	$\delta_q O$	$\delta_q S$
AA	-0,450		-0,361	
К	-0,456 (-0,455)		-0,378	
FA	-0,420		-0,347	
TK	-0,427 (-0,427)			-0,281
NA	-0,446	-0,288	-0,345	

Мазкур ишда қўлланилган амидлар молекулаларида зарядларнинг тақсимланишини таҳлили ацетамид, карбамид ва формаид учун металл атомга координацияланиш маркази бу кислород атомлари эканлигини, тиокарбамид учун – бу олтингугурт атоми эканлиги ва никотинамид учун – бу азот гетероатоми эканлигини кўрсатди (7-жадвал).

Амидларнинг молекулаларидаги зарядларнинг тақсимланишини ҳисоблаш маълумотларидан келиб чиқиб ацетамид, карбамид ва формаид, шунингдек никотинамид комплекс ҳосил қилишда кислород атомлари орқали, тиокарбамид молекуласи эса олтингугурт атоми орқали координацияланиши тахмин қилиш мумкин. Бу тахмин синтез қилинган ацетамид, карбамид, формаид ва тиокарбамид тутувчи координацион бирикмаларнинг ИҚ спектрлари натижалари билан тасдиқланди.

Квант-кимёвий ҳисоблашлар асосида синтез қилинган бирикмалар учун координацион тугуннинг энг оптимал геометрияси аниқланди, боғ узунликлари, атомлардаги зарядларнинг қийматлари, ҳосил бўлиш иссиқликлари, юқори банд ва қуйи вакант молекуляр орбиталларнинг энергиялари ҳисобланди (8-жадвал). Синтез қилинган крмплексларнинг квант-кимёвий ҳисоблар асосида келтирилган геометрик тузилиши физик-кимёвий тадқиқотлар натижаларига мос келиши аниқланди.

8-Жадвал

Синтезланган бирикмаларнинг оптималлаштирилган параметрлари

№	Бирикма	Ҳосил бўлиш иссиқлиги, кЖ/моль	ЮБМО, Эв	ҚВМО, Эв	Δ
1.	$Ni(HCO_2)_2 \cdot CH_3CONH_2 \cdot NC_5H_4CONH_2 \cdot 2H_2O$	-550,92	-7,60	-2,01	5,59
2.	$Co(HCOO)_2 \cdot CH_3CONH_2 \cdot (NH_2)_2CO \cdot 2H_2O$	-400,29	-7,83	-1,95	5,88
3.	$Cu(HCOO)_2 \cdot (NH_2)_2CO \cdot C_6H_4N_2O \cdot 2H_2O$	-576,64	-8,40	-2,44	5,96
4.	$Ni(HCOO)_2 \cdot (NH_2)_2CO \cdot (NH_2)_2CS$	-548,79	-7,78	-0,31	5,47

Диссертациянинг “Синтез қилинган координацион бирикмаларнинг биологик активлигини ўрганиш” деб номланган 4 бобда синтез қилинган аралаш амидли бирикмаларнинг ўстирувчи стимуляторлик қобилияти ва ўткир заҳарлилигини ўрганиш натижалари келтирилган.

Янги бирикмаларнинг ўстириш активлигини ўрганиш 2020 йилда ЎзРФА УНКИ агрокимё лабораториясида ғўза уруғларида ўтказилди. Бунда максимал стимулловчи эффект шартли равишда $CuF \cdot AA \cdot ANK$ деб белгиланган мис формиатнинг ацетамид ва никотинамид билан ҳосил қилган аралаш амидли координацион бирикмаси қўлланилган вариантда кузатилди.

9-Жадвал

Комплекс бирикмаларни ғўза ўсимлигига қўллаш натижасидаги ҳосил кўрсаткичлари

№	Вариантлар	Пахта хом ашёсининг массаси, г/ 1 идиш			Жами		
		1 терим 21.09.20	2 терим 05.10.20	Жами	Кўрақлар сони, дона /идиш	Битта кўрақнинг оғирлиги, г	%
1	Назорат Т-86	56,5	21,38	77,88	24,00	3,25	100
2	№ 57 $CuF \cdot AA \cdot ANK$	84,5	15,22	99,72	26,00	3,84	128

Пахтани йиғиб олиш бўйича олинган натижалар 9-жадвалга киритилган бўлиб, булар синовдан ўтказилган ўсимликларнинг барча гуруҳларида пахта ҳосили фон ўсимликлари вариантыдаги (Т-86) ҳосил кўрсаткичларидан 28 %га юқори эканлигини кўрсатди.

Лабораторияда энг эффектив ўсиш стимулятори сифатида танлаб олинган $CuF \cdot AA \cdot ANK$ бирикмаси Хоразм вилояти Хонқа туманининг фермер хўжаликлари бир нечта пахта ҳамда буғдой далаларида (умумий майдони 27 га) ҳам синовдан ўтказилди. $CuF \cdot AA \cdot ANK$ стимуляторини

қўллаш пахта хом ашёси ва буғдой ҳосилини ушбу стимулятор қўлланилмаган далалардан олинган ҳосилга қараганда ўртача 5 % га оширилишига олиб келди.

Ўткир заҳарлилик ўрганиш стимуляторлик қобилияти бошқа синтезланган бирикмаларникидан юқори деб топилган $\text{Cu}\cdot\text{AA}\cdot\text{АНК}$ бирикмасида олиб борилди. Ўткир заҳарлиликни клиниколди тадқиқотлари натижалари асосида ўртача ўлим дозаси қиймати $\text{LD}_{50}=340$ мг/кг ҳисобланган бўлиб, бу қиймат ушбу бирикмани заҳарлиликнинг учинчи “Нисбатан зарарсиз” синфига киритишга имкон берди.

ХУЛОСА

1. Илк бор кобальт (II), никель (II) и мис (II) формиатларининг формаид, ацетаид, карбаид, тиокарбаид, никотинаид билан аралаш амидли координацион бирикмаларини эритмада синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилди ва 22 янги бирикма олинди.

2. Квант-кимёвий ҳисоблашлар орқали полифункционал лигандларнинг электрон тузилиши ўрганилди ва уларнинг 3d-металлар билан афзал координацияланиш марказлари аниқланди. Минимал ҳосил бўлиш иссиқлиги принциpidан келиб чиққан ҳолда лигандлар ва синтез қилинган комплекс бирикмалар учун тузилиши, координацион тугун геометрияси, боғ узунликлари ва атомларда зарядлар тақсимоти ҳисобланди.

3. Физик-кимёвий тадқиқотлар орқали металл ва амидлар ўртасидаги координацион боғларнинг ҳосил бўлишида кислород (формаид, ацетаид ва карбаид), олтингугурт (тиокарбаид) ва азот гетероатоми (никотинаид) иштирок этиши ва формиат гуруҳлари монодентат координацияланиши исботланди.

4. Синтез қилинган бирикмаларнинг термик барқарорлиги аниқланди. Олинган комплекслар термик характеристикалари бирикма таркиби, лигандлар ва металл табиати, ҳамда металл-лиганд боғининг мустаҳкамлигига боғлиқ эканлиги кўрсатилди.

5. Илк бор рентгеноструктуравий таҳлил ёрдамида $[\text{M}(\text{HCO}_2)_2(\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2)_2(\text{H}_2\text{O})_2]$, ($\text{M} = \text{Co}, \text{Ni}$) таркибли янги координацион бирикмалар тузилиши аниқланди ва натижалар Кембриж кристаллографик маълумотлар базасига киритилди.

6. Мис формиатнинг ацетаид ва никотинаид билан аралаш амидли бирикмаси $[\text{Cu}(\text{HCO}_2)_2(\text{CH}_3\text{CONH}_2)(\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2)(\text{H}_2\text{O})_2]$ шартли $\text{Cu}\cdot\text{AA}\cdot\text{АНК}$ номи билан қишлоқ хўжалиги ўсимликлари учун кам заҳарли полифункционал таъсирли стимулятор сифатида тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019К.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖУМАНИЯЗОВА МУКАДДАС ЭГАМБЕРДИЕВНА

**СМЕШАННОАМИДНЫЕ КООРДИНАЦИОННЫЕ СОЕДИНЕНИЯ
ФОРМИАТОВ РЯДА 3d-МЕТАЛЛОВ**

02.00.01 – Неорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/К170

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ik-kimyo.nuu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Азизов Тохир Азизович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Рафиков Адхам Салимович
доктор химических наук, профессор

Кадирова Зухра Чингизовна
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «29» 12 2021 года в «10⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: d.gafurova@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за №154 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (998 71) 227-12-24; факс: (998 71) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «17» 12 2021 года.

(реестр протокол рассылки №24 от 17 12 2021 года).


З.А. Сманова
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор
Д.А. Гафурова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н.
Ш.А. Кадирова
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире получение и определение свойств комплексных соединений микроэлементов с органическими лигандами, содержащими кислород, серу, азот имеет важное практическое значение. В настоящее время применение таких металлокомплексных соединений в качестве стимуляторов в сельском хозяйстве, биологически активных веществ в медицине, антиоксидантов способствует достижению высокой степени производительности

По всему миру проводятся многочисленные исследования по оптимизации условий синтеза эффективных биологически активных соединений и стимуляторов. В этой связи обоснование научных решений по созданию стимуляторов, повышающих урожайность, ускоряющих физиологические процессы сельскохозяйственных культур, в частности, разработка оптимальных условий по синтезу комплексных соединений формиатов 3d-металлов с различными амидами; определение их состава и свойств, механизма координации лигандов центральным атомом и природы образовавшейся связи между ними, а также физико-химических свойств синтезированных соединений являются важнейшими задачами.

В нашей Республике спектр производимых в сельскохозяйственном производстве культур, наличие больших территорий сельскохозяйственных земель в Узбекистане предполагает все еще использование средств защиты, стимуляторов роста растений, минеральных удобрений. В “Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” намечены важные задачи по «динамичному развитию сельскохозяйственного производства, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности страны, расширению производства экологически чистой продукции, значительному повышению экспортного потенциала аграрного сектора». В связи с этим важное значение имеют научно-практические исследования, направленные на приемлемый синтез новых биологически активных веществ, содержащих в своём составе микроэлементы, вместе с тем безопасных и не загрязняющих окружающую среду.

Результаты исследования данной диссертации в определенной мере послужит для осуществления задач, предусмотренных в Указе Президента УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, а также в Постановлениях Президента ПП-3983 от 25 октября 2018 года “О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан”, ПП-4805 от 12 августа 2020 года “О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям “Химия” и “Биология” и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в

соответствии с приоритетным направлением VII «Химическая технология и нанотехнология» развития науки и технологий в республике.

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы, посвященные синтезу, установлению состава, строения, реакционной способности и биологических свойств, термическому анализу комплексных соединений карбоксилатов ряда металлов с органическими лигандами проводились многими учеными как за рубежом, так и в нашей республике.

Химии металлоамидных комплексов посвящены работы зарубежных ученых Hay B.P, Hancock R.D, Clement O., Sandrone G., Dixon D.A., Zhu Z.-Y., Zhang D.-C., Lin Z.-J., Patrovsky V. Российскими учеными Савинкиной Е.В., Голубевым Д.В., Замилацковым И.А., Аликберовой Л.Ю., Головневым Н.Н., Лешок А.А., Трифионовым А.А., Басаловым И.В. и другими изучены свойства и строение ряда комплексов амидов с редкоземельными металлами, а также иодидами некоторых d-металлов.

В нашей республике над синтезом и исследованием биологически активных веществ на основе комплексных соединений с органическими лигандами работают научная школа акад. Парпиева Н.А., Шарипов Х.Т., Умаров Б.Б., Шабилалов А.А., Ходжаев О.Ф., Хакимова Х.Х. и другие ученые.

Вместе с тем к началу данной исследовательской работы в литературе имелись данные о механохимическом синтезе амидных комплексов карбоксилатов различных металлов, но имелось мало материалов о получении и изучении строения амидных комплексов формиатов d-металлов и отсутствовали сведения о получении и изучении их смешанноамидных координационных соединений.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках фундаментального проекта АМ-ФЗ-2017102347 «Изучение способа получения и освоение бактерицидных материалов, содержащих нанометаллы на основе гидролизованного фиброина» (2017-2019 гг.) в плане научно-исследовательских работ Ургенчского государственного университета.

Целью исследования является разработка условий синтеза, некоторых смешанноамидных координационных соединений формиатов двухвалентных кобальта, никеля и меди, определение их строения и свойств.

